

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

БҮЛАЖАК КАДРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК МАХОРАТИНИ АҲАМИЯТИ

T Ҳамракұлов
ҚДПИ Спорт ва ҳаракатли үйинлар
кафедрасы катта ўқитувчisi

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кишиларда ривожланишини яхшилайды. Уларнинг қомати такомиллашади, марфологик ва функционал ўзгаришлар содир бўлади, тана тузилиши, вазни, мушак кучи, ўпканинг тириклик сифими кўкрак қафаси экскурсияси юқори кўрсаткичларга эга бўлади, ақлий, ахлоқий сифатлари тарбияланади. Бу борада жисмоний тарбия воситаларининг аҳамияти катта. Жисмоний тарбия воситалари ўз таснифига эга бўлиб, жисмоний машқ асосий воситадир, үйинлар эса унинг таркибий қисмларидан бири.

Болаларни ҳар томонлама етук баркамол тарбиялашда миллий ва халқ харакатли үйинлари куч, тезкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик, чидамлилик сифатларини ривожлантиришда, ақлий, ахлоқий тарбия, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис қилиш, топқирлик, инсонпарварлик ва адолатлилик, меҳнатсеварлик ҳислатлари ва жамоа руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналиши бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлаш уларни миллий ва халқ харакатли үйинларини ташкил этиш ва ўтказишида педагогик махоратини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Жисмоний тарбия дарсларида, кун тартибида жисмоний тарбия ва соғломлаштириш тадбирлари, синфдан ташқари машғулотлар, спорт тренировка машғулотларида миллий ва халқ харакатли үйинларини қўллаш қўнікма ва малакаларини шакллантириш касбий тайёргарлик асосларидан бирини ташкил этади.

Олий ўқув юртларида талабаларга машғулотларда миллий ва халқ харакатли үйинларини ташкил қилиш ва ўтказишини режалаштириш бўйича қўнікма ва малакаларини шакллантиришда ўқитувчи режа асосида харакатли үйинларни методикасини ўргатади ва мустақил ишлаш учун адабиётларни тавсия қиласди.

Талабалар берилган вазифага мувофиқ харакатли үйинларни танлайдилар ва малакавий педагогик амалиётлар жараёнида белгиланган синфларда амалиётга жорий этадилар.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

Талабаларга миллий ва ҳалқ ҳаракатли ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишида педагогик маҳоратни шакллантириш учун қуидаги асосий жиҳатларга эътибор берилади.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказишнинг методик асослари юзасидан билим кўнирма ва малакалар билан қуроллантирилади. Тўғри ташкил этилган ўйинлар болаларнинг соғлигини мустаҳкамлайди, очиқ ҳаволарда ташкил этиш чиниқишини таъминлайди. Ўйинлар давомида болалар таҳлил ва хулоса қилиш, умумлаштириш қобилияти ривожланади.

Ўйинларни болалар организмига таъсир этиши, ўйин мазмунига ташкил этиш усусларига боғлиқ.

Ўйинларни режалаштиришда болаларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний тайёргарлиги муҳим ҳисобланади. Уларни танлаш машғулотларни ташкил этиш шаклига, дарс қисмларига ва вазифаларига, зарурий жиҳозларга эътибор бериб амалга оширилади. Миллий ва ҳалқ ҳаракатли ўйинларига жой ва жиҳозларни тайёрлашда гигиеник холатга, майдонларда чизиқларни аниқлигига, керакли жиҳозларни турли-туманли ва рангининг хилма - хиллиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўқитувчи ўйинни бошқариш ва ўтишда фаол ўқувчиларга, сардорларга таянади, суст ва фаол ўқувчиларни назоратдан четда қолдирмайди.

Ўйинларни ташкил этиш:-ўйинни тушунтиришда миллий қадриятлар ва турмуш тарзига боғлиқлиги ўйиннинг номи, ўйинчилар вазифаси, ўйиннинг бориши, мақсади, қоидаси асосий тушунчалар ҳисобланади. Ўйинда она бошини аниқлаш, жамоаларга бўлиш, сардорларни белгилаш, ёрдамчилар тайёрлаш ўзига хос хусусиятга эга.

Ўйин жараёнига раҳбарлик қилиш: - ўйинни бошлаш, яхши кайфият яратиш, ҳалол ҳакамлик, нагрузкаларни тўғри меъёrlаш, ўйин варианtlарини ўзгартириб нагрузкани бошқариш зарур. Ўйиннинг тугатиш ўзига хос методик хусусиятларга эга.

Ўйинни турли варианtlарда қўллаш: болаларнинг жисмоний тайёргарлиги, жинси индивидуал хусусиятларига эътибор берган ҳолда дарсда қўйилган мақсад ва вазифани самарадорлигини ошириш ўйинни мураккаблаш ва соддалаштиришда ҳаракатли ўйинлар нагрузкаси шиддатлари ва ҳажмини ўзгартириб ташкил этилади.

Ўйинга хулоса ясаш малакаларини шакллантиришда тарбиявий томонига эътибор бериб, натижаларни эълон қиласи. Хатолар муҳокама қилинади,

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

ютуқлар, яхши иштирок этган, қоидага амал қилған ўқувчилар инобатта олинади. Ўйинни ўқувчиларни ўзи мухокама қилиш учун имконият яратади.

Бу жараёнларни талабаларга педагогик амалиёт даврида, дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда жорий этиб, педагогик маҳорати шакллантирилади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Fofovov, Abdovoxtid Mahmudovich, and Abdushokir Mahmudovich Fofovov. "ФИЗКУЛЬТУРНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ НА ПУТИ К УСОВЕРШЕНСТВОВАНИИ." INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE "INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". Vol. 3. No. 1. 2024.
2. Mukhammedovich, Jurayev Vokhidjon. "Psychological Foundations of Willpower in the Formation of Competition Motivation in Athletes." Central asian journal of literature, philosophy and culture 3.11 (2022): 315-318.
3. Jurayev, Vohidjon. "SPORTCHINING FAOLIYAT SAMARADORLIGIDA DA'VOGARLIK DARAJASI AHAMIYATINI EMPIRIK NATIJALARI TAHLILI." Science and innovation in the education system 2.7 (2023): 106-112.
4. Makhmudovich, Gofurov Abduvokhid, and Gofurov Abdushokir Makhmudovich. "STUDY OF FUNCTIONAL INDICATORS OF YOUNG SWIMMERS." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 12.10 (2023): 29-31.
5. Makhmudovich, Gafurov Abdushokir. "Medical problems of sports selection and sports orientation." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 313-318.
6. Abduvalievich, Abdullaev Rustamjon. "NECESSARY FORMATION OF COMPLEX COMPETENCE SAFETY OF TOURIST SERVICES DURING THE DEVELOPMENT OF A STRUCTURAL-FUNCTIONAL MODEL." Science and Innovation 2.2 (2023): 261-264.
7. Abdullabdullaev, R. "BASES OF SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL SUPPORT OF THE PROCESS OF FORMATION OF SPECIAL TOURIST KNOWLEDGE, ABILITIES AND SKILLS." Science and innovation 2.B3 (2023): 122-123.
8. Жураев, Вохиджон Мухаммедович. "СПОРЧИЛАРНИНГ Даъвогарлик даражаси ва ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛГИК ХУСУСИЯТЛАРИ." Academic research in educational sciences 4.TMA Conference (2023): 894-900.